



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 5 июн, чоршанба №90 (1307)

БЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МОМОЛАР ҲУНАРИН ЭЪЗОЗЛАБ

Қўрғонтепа тумани Қўштепа қишлоғи туман меҳнат биржаси ходимлари ва маҳалла оқсоқоллари билан айланиб чиқилганда кўпгина ёшлар, айниқса мактабни битирган қизларнинг ишсиз қолгани маълум бўлди.

Ваҳоланки улар ўз меҳнати билан ҳам оила бюджетига, ҳам жамиятга фойда келтирган бўлур эди.

«Хўжатепа» маҳалла гузариди миллий кийимлар тикиш-бичиш, кашта ва сўзаналар тўқиш, чеварчиликка ўргатадиган олти ойлик курснинг очилиши уйда ўтирган қизларни, уларнинг ота-оналарини жуда қувонтирди. Эндиликда аввалда бўшаб ётган хоналар таъмирланиб, бу ерда йигирмага яқин қизлар хунар ўрганишга киришди. Уқуш давомида улар маош ҳам олишмоқда.

Туман меҳнат биржаси бўлими мудири Муаззамхон Отабоевнинг таъкидлашича, бу ерда «Устоз-шогирд» дастурини амалга оширишдан ташқари, мунтазам равишда бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказиб келинаётган. Ўтган йили етти марта шундай ярмаркалар ўтказилиб, унда 369 киши иш билан таъминланди.

Ўзги соғломлаштириш

СЎЛИМ ОРОМГОҲЛАР ЧОРЛАЙДИ

Болажонларимиз интиқиб кўтган Ёзги таътил даври бошланди. Бу мавсум касаба уюшма ташкилотлари учун ўта масъулиятли ҳисобланади. Бу йил Тошкент вилояти касаба уюшмалари шаҳар ташқарисидидаги 18 та болажон соғломлаштириш оромгоҳларида 16.515 нафар болажонни дам олдиришни режалаштирган.

Табиийки, бу ишларни вилоят ҳокимлиги, мутаассадди ташкилотлар, корхона, хўжаликлар билан ҳамкорликда, уларнинг ёрдами билангина муваффақиятли амалга ошириш мумкин.

Шуларни инобатга олган ҳолда 18 май кунини вилоят ҳокимлигида болажонларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича вилоят комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бошқармалар бошлиқлари, туман, шаҳар ҳокимликларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, оромгоҳи бор корхона ва ташкилот раҳбарлари, касаба уюшма раислари иштирок этдилар. Йиғилишида оромгоҳларнинг мавсумга тайёргарлиги ҳақида ахборотлар тингиланди. Йиғилишда болажонларни дам олдиришга масъул бўлган ҳар бир ташкилот олдида аниқ вазифалар юкланди. Мақсадимиз битта — оромгоҳларга жалб қилинган болажонларга етарли шарт-шароитлар яратиш, уларнинг тўлақонли дам олиши, соғлигини тиклаш, омон-эсон ота-онаси кўчиги қайтишини таъминлашдир. Оромгоҳлар дам олдириш маскани бўлибгина қолмасдан бола ўша

ерда ўтказган 18 кун давомида маънавий озуқа, таълим-тарбия олмоғи ҳам керак. Шу боис маънавий-маърифий тадбирлар, тўғрақ машғулотлари, турли ўйинлар мунтазам ўтказилиб борилади. 21 май кунини ташкил этилган оромгоҳлар бошлиқлари ўқув семинари айнан шу мақсадга қаратилди. Ҳар бир сўлим масканида маърифат ва маънавият хоналари талаб даражасида жиҳозланиши, кутубхоналарда кўпроқ лотин графикасидаги болажон адабиёти бўлиши лозимлиги таъкидланди. Турли миллат болажонлари ўртасида дўстлик ришталарини боғлаш, русий забон болажонга ўзбек тилини ўргатиш, ўзбек тилида шеър, кўшиқ ва сахна кўришларини ўргатиш ҳам тарбиявий ишларнинг таркибий қисмидир.

Оромгоҳларимиз асосан Бўстонлик туманида, қисман Охангарон, Урта Чирчик, Пскент ва Паркент туманлари ҳамда Ангрэн шаҳрида жойлашган. Биламизки, вилоятнинг ҳамма туманларидан бу ерларга болажонларни келиши учун имкониятлар бўлмаслиги мумкин. Шунини инобатга олган ҳолда мактаблар қосида очилмайдиган кундузги соғломлаштириш оромгоҳларига 2320 нафар ўғил-қиз

жалб қилинади. Вилоятдаги 17 та туман ва шаҳарда жойлашган 24 та мактабда кундузги оромгоҳлар ташкил этилади.

Ёз мавсуми давомида барча масканлар фаолияти доимий назоратда бўлади. Улар ўртасида «Энг яхши оромгоҳ» кўрик-танлови, спартакиадалар ўтказилади. Энг яхши иштирокчилар ҳомийлар, касаба уюшмалари томонидан рағбатлантирилади. 18 та оромгоҳдан 12 таси санаторий тоифасида бўлиб, фарзандларимизнинг соғлиқларини тиклашлари учун шароитлар мавжуд. Бундан ташқари ҳар бир оромгоҳда болажон шифокор назоратида бўлади. Тарбиявий ишларни яхши ташкил этиш учун тажрибали етакчилар, педагоглар жалб қилинган.

Дастлабки иш бошландиган «Нептун», «Сумча» масканлари болажонни ўз бағрига қабул қилишга тайёр.

Бу йил ҳам Оролбўйи болажонлари вилоятимизда жойлашган хушманзара жойларда ўз соғлиқларини тиклаб қайтидилар. Бу йилги уч мавсумда улардан 1500 нафари дам олади. Биринчи мавсумда 16 июн кунини Хоразм вилоятидан 500 нафар бола қабул қилиниши мўлжалланмоқда.

Эътибор РАҲМОНОВА, Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири.



Қўшқўпир туманида Донагул Ибодуллоева номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. У 15 йилдан бунён кутубхона мудараси сифатида фаолият юритиб, одамларга зиё улашмоқда. Ундаги суратда эса Қизилтепа туманидаги «Турнача» болажон бағчиси тарбиячилари жажжиклар севган китоблар хусусида ўзаро фикрлашмоқда.

И. ҲАСАНОВ олган суратлар.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУННИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент Давлат юридик институтида «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонунни ўрганишга бағишланган навбатдаги илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси ходимлари, Тошкент шаҳри маҳаллалари оқсоқоллари, фаоллари ва тадқиқотчи олимлар иштирок этди.

«Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонунни ўрганиш, илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш, кенг жамоатчилик ўртасида унинг мазмуни ва амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар моҳиятини тушунириш, икки палатали парламент тўғрисидаги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фуқаролар иштирокини ва бу соҳадаги ҳуқуқий тарғиботни кенгайтириш масалалари семинар қатнашчиларининг эътиборида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳининг етакчи консултанти Б.Тошев, юридик фанлари докторлари З.Исломов, Ҳ.Бобоев, Ф.Абдумажидов ва бошқалар референдум якунларининг қонунчиликда акс эттирилиши, Конституциявий қонуннинг моҳияти, янги қонунлар яратишдаги аҳамияти, давлат ҳокимиятини ташкил этишдаги ўрни ва бу борадаги долзарб вазифаларга тўхталди.

Шунингдек, анжуманда жойларда фуқаролар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, ҳуқуқий оммабоп адабиётлар яратиш, аҳоли ўртасида икки палатали парламент, ҳуқуқий ислохотлар моҳиятини тушунириш, ҳуқуқий тарғибот ишларини кенг қўламда йўлга қўйиш зарурлиги эътибор қаратилди.

(ЎЗА).

ҲАМКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

«Ўзқабел» Очқ турдаги давлат акциядорлик бирлашмасида Республика Давлат мулк қўмитаси билан ҳамкорликда корхонанинг тақдирот маросими ўтказилди.

— Корхонамиз 1995 йилдан бери очқ турдаги акциядорлик жамияти сифатида фаолият юритмоқда, деди бирлашма раиси Сайфиддин Муродхўжаев «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Бирлашма ташкил этилганига олти йил бўлди. Ўтган вақт давомида турли кабеллар чиқаришда катта таъриб беришда, деди бирлашма раиси Сайфиддин Муродхўжаев «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Бирлашма ташкил

Баҳор ойларида серёғин келиши, ошқоча намгарчилик Сирдарё вилояти далаларидаги вазиятни анча мураккаблаштирди. Шу боис ўсимликшунос-олимлар, кишлоқ хўжалигининг етакчи мутахассисларидан иборат гуруҳ деҳқонларга амалий ёрдам кўрсатиш учун вилоят далаларида бўлишди.

Шундай бўлса-да, мутахассисларнинг фикрича, вазиятни ўнглаш мумкин, бу борада вилоят деҳқонлари катта тажрибага эга.

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МУМКИН

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган мажлисда ишчи гуруҳи раҳбарлари мавжуд вазиятга оид ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ

ва сўв хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С.Бегалиев вилоятнинг пахта майдонларида ишлар аҳоли тўғрисида ахборот берди.

Вилоятда 108 минг гектар майдонга чигит қадаглан. Ёмғирнинг кўп ёғиши, дўл ва тупроқда иссиқликнинг етишмаслиги айрим туманларда экинлар аҳолига салбий таъсир кўрсатди.

Мажлисда кишлоқ хўжалигида деҳқонларнинг моддий манфаатини долригини ошириш, уларнинг меҳнатларини рағбатлантиришга доир бозор иқтисодиёти механизмини мунтазам ва изчил жорий қилишга эътибор қаратилди.

Мажлисда Сирдарё вилояти ҳокими А.Исроилов қатнашди. (ЎЗА).

АКЦИЯ ОЛИНГ, МУЛҚДОР БЎЛИНГ

Республика Фонд биржасида ўтган ҳафта акциялар савдоси янада қизиг бўлди. 66 та акциядорлик жамиятининг умумий қиймати 379,8 миллион сўмлик 375 минг акциясини сотиш бўйича 87 та битим имзоланди. Шунингдек, иккиламчи бозорда 7 та акциядорлик жамиятининг умумий қиймати 62,6 миллион сўмлик 118,7 мингта акцияси сотилди.

Мазкур ҳафтада «Namangan paxtasanoat HA birlash» акциядорлик жамиятининг акциялари харидорларда катта қизиқиш уйғотди. Натжидада унинг 5 мингдан зиёд акцияси 45 миллион сўмга сотилди ва ҳафтанинг энг йирик битими, деб тан олинди.

Таъкидлаш жоизки, акция бозоридида иқтисодиёт тармоқлари орасида агро-саноат тизими, айниқса, фаоллашмоқда. Мазкур тармоқда битимлар сони сезиларли даражада кўпайиб, 62,6 фоизни ташкил этди.

Акция бозоридида харидорларнинг кўпаяётгани хусусий мулкчилик афзалликлари тобора кўпроқ намоён бўлаётганидан далолатдир.

(ЎЗА).

Долзарб мавзу

ИЖТИМОЙ СУҒУРТА СОҒЛОМЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЕТАКЧИ ОМИЛИ

Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Ўтган йили санаторийларда 41,5 минг нафар меҳнаткаш ўз соғлигини тиклади. Дам олиш уйлари ҳамда сихатгоҳларда 14 минг нафар киши дам олди. Санаторий-профилакторийларда эса 69 минг киши ҳамда талаба ишдан ва ўқишдан ажралмаган ҳолда ҳордиқ чиқарди. Ёзги мавсуми 272 минг нафарга яқин ўғил-қиз сўлим масканларда ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келган 20 минг нафар бола Тошкент, Самарқанд ҳамда Фарғона водийси вилоятларидаги оромгоҳларда мириқиб дам олишди. Кейинги пайларда мавжуд санаторийларни кенгайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

«Чинобод», «Турон» санаторийларида янги дам олиш бинолари қурилиб, ишга туширилди. Хоразм вилоятини эса 125 ўринли «Хонқа» санаторийси бунёд этилди. «Умид гулшани» ҳамда «Қашқадарё соҳили»да янги даволаш мажмуалари иш бошлади.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда ижтимоий суғурта маблағлари муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан касаба уюшмалари тизимида молиявий-хўжалик интизомини янада яхшилаб янги босқичга кўтариш зарур. Ижтимоий суғурта маблағларини белгиланган мақсадлар учун сарфлаш, уларни ўз вақтида йиғиш устидан қатъий назорат ўрнатиш соғломлаштириш ишларининг муваффақиятини таъминлайди.

Шундай бўлса-да, жойлардаги касаба уюшма органларининг саъй-ҳаракати қарамай айрим тармоқ корхоналаридан ижтимоий суғурта маблағи ўз вақтида келиб тушмаяпти. Бу қурилиш ва қурилиш ашёлари саноти, энгил, маийши ва коммунал хизмат кўрсатиш, автотранспорт ва ёнилғи энергетика мажмуи соҳасидаги корхона

наларга кўпроқ тегишлидир. Натжида, меҳнаткашлар, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш билан шуғулланаётган айрим касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида муаммо ва қийинчиликлар юзага келмоқда.

Шу ҳолатни Қорақалпоғистон Республикаси мисолида олиб кўрайлик. Жорий йилнинг 1 январига қорхоналарнинг ижтимоий суғурта маблағидан бўлган қарзлари 135 миллион, жорий йилнинг 1 апрелига келиб бу кўрсаткич 187 миллион сўмни ташкил этди. Натжидада республика меҳнаткашларидан жуда оз киши санаторийларга йўлланма ололди ҳолос. Бунинг устига ўтган йил ҳамда 2002 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий суғуртадан қарздорлик натижасида санаторий-профилакторийларни маблағ билан таъминлашда узилдилар рўй берди. Оқибатда 6200 ўринга 4051 нафар ишчи-хизматчи соғломлаштирилди, ҳолос. Шу билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари тармоқ қўмиталари томонидан суғурта маблағидан нотўғри фойдаланиш ҳолатлари ҳам учради. Масалан, республика агро-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси ўтган йили 73 миллион сўм ижтимоий суғурта маблағига эга бўлгани ҳолда, 123 миллион сўм сарфлаб юборган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари кенгашида ижтимоий суғурта маблағларини кирим ва чиқим қилиш лозим даражада йўлга қўйилмаган. Ахир ижтимоий суғурта маблағларидан тўғри ва самарали фойдаланиш ҳар бир касаба уюшма ташкилотининг энг долзарб вазифаларидан биридир. Чунки бу меҳнаткашлар ҳамда фарзандларимизни соғломлаштириш масаласи билан чамбарчас боғлиқдир.

Н.РАФИҚОВ, «Ишонч» муҳбири.

ДИРЕКТОР ВА УНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН БЎШАТИЛДИ

Газетамизнинг 2002 йил 24 май сониди кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш борасидаги ишларга жиддий тўғанок бўлаётган камчиликлар, таълим муассасаларининг баъзи раҳбар ходимлари «фаолияти» танқид остига олинган «Имтиёзли диплом ҳақида этилди» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган эди.

Марказ буйруғига асосан касб-хунар коллежлари бошқармаси бош мутахассиси Ж. Шосалимов, бош мутахассис К. Алимова ва Самарқанд шаҳар маийши хизмат касб-хунар лицейи бош бухгалтери С.Эшқуватов ҳамда Сурхондарё вилояти назорат-тафтиш бошқармасининг бош назоратчи-тафтишчиси А.Салимов томонидан Термиз агротадбиркорлик коллежи раҳбарияти йўл қўйган қонунбузарлик

лар атрофлича ўрганиб чиқилган. Мақолада келтирилган далиллар таъкидланди дейилди жавобда. Текширув натижалари коллеж жамоасининг навбатдан ташқари педагогик кенгашида комиссия аъзолари ва Сурхондарё вилояти ўМКХТ бошқармаси раҳбарлари иштирокида атрофлича муҳокама қилиниб, барча салбий ҳолатларга тегишли баҳо берилди.

Сурхондарё вилояти ўМКХТ бошқармаси томонидан ўқув юртакда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юза-

сидан эндиликда, аниқ чоратадбирлар белгиланиб, изчил амалга оширилмоқда.

Термиз агротадбиркорлик коллежи директори А.Хўжақулов ва унинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Ш.Исмоилов эгалаб турган вазифаларидан озод қилинганлиги эълон қилинди. Коллеж директори лавозимига танлов эълон қилинди.

Ж.ХУСАНОВ, республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари.

ЛАВОЗИМ ИМТИЁЗ ЭМАС, ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ!

Навоий вилоят Кенгаши сессиясидан кейинги ўйлар

БОҚИМАНДАЛИК, ҚУРУҚ ВАЪДАЛАР ДАВРИ ЎТДИ

Давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи ҳужалигимиз ноз-неъмат бунёдкорларини ҳам чуқуқ ўйлашга, мушоҳада юриштишга ундади. Ҳукуматимиз қатор вилоятлардаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий аҳволини ўнглаш учун амалий ёрдам ва мадад кўрсатмоқда. Хусусан, ўтган йиллар мобайнида вужудга келган шарт-шароитлар инobatга олиниб, Навоий вилояти хўжаликларининг қарийб 5 ярим миллиард сўм миқдордаги қарзларидан кечилди. Табиийки, бундай меҳрибонликка навоийликлар изланиш, ташаббус кўрсатиш, ҳосилдорликни ошириш билан жавоб беришлари лозим эди...

Одамлар ҳақида гамжурлик, истикболни ўйлаб иш тутиш ҳар бир раҳбарнинг бурчидир. Яхши раҳбар — чин падар, деб беҳиз айтишмайди. Бозор шароитида кўпга бош бўлган кишилар қатъият, изланувчан, бир сўмини қаердан олиб, қаерга сарфлашни яхши биладиган мутахассис бўлиши керак. Шундангина ишонч оқланади, хирмонлар юксалади. Буни бизнинг хўжалик мисолида ҳам кўриш мумкин. Раис Мўминжон Каримов, етакчи мутахассислар инсон омили ҳақида алоҳида бош қотиришади. Бебаҳо бойлик — ердан унумли фойдаланиш, илгор тажрибаларни омаллаштириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш ҳисобига гектар ҳосилдорлиги йил сайин ошиб бормоқда. Шу ўринда бир ҳаётий мисол келтирсам. Раҳбарлар дала шийпониди тажрибадорлар, меҳнат фахрийлари билан суҳбат ўтказишди. Шунда

дала шийпонларни деҳқоннинг чинакам оромгоҳига айлантириш, ҳар бир жамоа иссиқ овқат учун зарур бўлган неъматларни ўзи етиштиришига эришиш хусусида алоҳида гап борди. Хайрли ишга барча иштиёқ билан киришди. Эндиликда галлакорлар, пахтакорлар учун бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Дам олиш соатлари кўнгилли ўтади. Маданий-маиший тадбирлар шарофати туфайли деҳқонларимиз кайфияти юқори. Улар юксак марраларни кўзлашмоқда.

Биз — деҳқонлар бир нарсани яхши биламиз, яъни боқимандалик, қуруқ ваъда беришлар даври ўтди. Масалан, пахта етиштириш шартномасини бажарган пудратчиларга берилиши лозим бўлган пахта ёғи, кунжара, шелуха вақтида тарқатилмас, мутаассид раҳбарларга одамлар уларга ишонмай қўяди. Деҳқон меҳнатига бепасандлик билан қараганлар охири-оқибат панд ейдилар.

Хўжалигимизда ваъда бер-

дингми, бажар, шиорига қатъий амал қилинади.

Собижон Бобоҷонов бошлиқ ижарачилар жамоаси фидойи меҳнат туфайли 87 гектар ерда баракали ҳосил етиштиришди. Ниятлари бу йил гектаридан 45 центнердан пахта, қарийб 80 центнердан дон йиштириб олишди. Ана шундай ишбилармон, фидойи инсонлар саяй-ҳаракати туфайли бултур ҳўжалигимиз бўйича пахта ҳосилдорлиги 41 центнерни, бугдой ҳосилдорлиги эса 78 центнерни ташкил этди. Соф фойда 126 миллион сўмга борганлиги ҳам кўп нарсани аниқлаб турибди. Ҳамма нарса иқтисодга бориб такалади. Давлатимиз раҳбари маърузасида ўзимиз яшаётган юртни, қишлоқ-шаҳарларни, маҳалла-хонадонларни обод этиш, кўкаламзорлаштириш, йўлларимизни раван қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Кувончлиси шуки, бизда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасида ҳам шаҳдам қадамлар ташланяпти. Хонадонларимизнинг 80 фоизи газлашган, 90 фоизи тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлмоқда. Кишлоқларимизда гулзорлар, ажойиб боғлар, хиёбонлар кўпайиб бормоқда. Яқин вақт ичида замонавий амбулатория фойдаланишга топширилади.

Мазмурият ва касаба уюшма ижтимоий ҳимоя масаласига ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Қам таъминланган, боқувчиси бўлмаган кишилар доимий эътиборда.

Абдурасул АБДУШЕВ, Марҳамат туманидаги «Машъал» ширкат хўжалиги пудратчиси.

Асакадаги «Навбахор» ширкат хўжалигининг «Чек» маҳалласига сув қувурлари ётқизибли, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси ечилди.

Хўжаликда 23 мингдан ошиқ аҳоли яшайди. Уларнинг унумли меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун барча шароитлар муайёз этилган. Олтига маҳалла гузариди савдо, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш ва маданият шаҳобчалари қурилган.

— Ҳар йили пахта, дон, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдан олаётган даромаднинг халқнинг турмуш даражасини яхшилашга сарфлаш, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш ва маданият шаҳобчалари қурилган.

— Ҳар йили пахта, дон, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдан олаётган даромаднинг халқнинг турмуш даражасини яхшилашга сарфлаш, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш ва маданият шаҳобчалари қурилган.

— Ҳар йили пахта, дон, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдан олаётган даромаднинг халқнинг турмуш даражасини яхшилашга сарфлаш, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш ва маданият шаҳобчалари қурилган.

ҲАММА БИРДЕК ЖОН КУЙДИРСА

мухбирига. — Ўтган йили 418 гектар пахта майдонидан шартномада кўрсатилганидек 28 эмас, балки 36,5 центнердан ҳосил етиштирдик. Йиллик режа 130 фоизга бажарилди. Шунинг натижасида пахтадан 144 миллион сўм, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда жами 271 миллион сўм даромад олдик. Бундан 44 миллион сўми соф даромад ҳисобланади. Жорий йилда эса даромад янада ошади.

Халқимизни олижаноб, ҳар томонлама хайрли ташаббусларга бошлаш учун фақатгина битта нарса керак. У ҳам бўлса, раҳбарларнинг, етакчиларнинг ўйғониши, юртимизни обод этиш, турмушимизни озгина бўлса ҳам энгил қилиш учун фидойилик кўрсатиши, жон куйдириши керак.


(Президент Ислам Каримовнинг Навоий вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан).

дик. Инсон ўз ҳаётидан, эришаётган натижаларидан кўнгли тўлса, меҳнати қадрига эришганини қалбдан ҳис қилса, ўзини аямой ишлайди, ташаббус кўрсатади. Хўжалигимиз ноз-неъмат бунёдкорлари шу кунларда далаларда, галлазорларда омилкорлик кўрсатиб ишламоқдалар. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, жорий йилда галла ҳосилдорлигини 80 центнерга етказишимиз мумкин. Деҳқон садоқати дегани шунинг ўзгинасидир!

Абдурасул АБДУШЕВ, Марҳамат туманидаги «Машъал» ширкат хўжалиги пудратчиси.



МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР



Ёзёвон тумани галлакорлари ҳосилни белгиланган вақтда нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун барча имкониятларни ишга солишмоқда. Мухим ишда тумандаги ИБ-роҳим Юсупов номи машина-трактор парки уюшмасига қарашли фермер хўжаликлари намуна бўлишмоқда. Суратларда: моҳир комбайнчилар Маъруфжон Қўлдошев ва Акрам Мирзаалимов. М.КОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Ҳар бир инсон эзгу ниятлар билан яшайди.

Максадида эришиш учун тинмай изланади, сидқидилдан меҳнат қилади, вақти келса, тўсиқларни енгиб ўтишга тўри келади. Меҳнатчи ишига яраша ҳақ олса, севимли жамоасида қадр топса, омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатади. Ақсинча, иш ҳақи чўзилса, мутасадди раҳбарлар ваъда беришдан нарига ўтишмас, ҳар кимнинг ҳам кўнгли, совиқдиги, бошқа ерга ўтиб ишлаш пайида бўлади. Меҳнатни ташкил этиш ва уни муносиб равишда рағбатлантириш тадбирларини изчил амалга оширишда Вазирилар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирилик, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Иш ҳақини ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорларнинг аҳамияти беқуб бўлмоқда.

Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари ушбу қарорлар юзасидан аниқ тадбирларни белгилаб, изчил амалга оширмоқда. Вилоятда ўта муҳим соҳада олиб борилаётган ишлар аҳоли ўрганиб чиқилганда, қатор камчиликлар, қонунга хилоф саяй-ҳаракатлар борлиги маълум бўлди. Марказий Банкининг Сурхондарё вилоят Бош бошқармаси маълумотларига қўра жорий йилнинг шу кунига қадар 686174 минг сўм миқ-

дорида иш ҳақидан қарздорлик мавжуд.

Гап шундаки, баъзи корхона, ташкилот, муассасаларнинг раҳбарлари бозор шароитида ишлашга ўзларини тайёрлай олмадилар. Муаммоларнинг вақтида омилкорлик билан ҳал этиш, иқтисодийни юксалтиришининг ички имкониятларидан унумли фойдаланиш борасида нўноқлик қилдилар. Шу каби камчиликлар туфайли

роқ, мутасаддилар унга ҳақ тўлашни пайсалга солдилар. Муайян вақт деҳқон манфаатини ҳимоя қилиб, масалани кўндаланг қўйдиган кимса топилмади. Охир-оқибат М.Нуралиев туман прокуратурасига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Шундан сўнг, фуқаролик ишлари бўйича Ше-

Масала кўндаланг қўйилади

робоқ туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, миришқорнинг иш ҳақи ундириб берилди.

Кумқўрган туманидаги «Пилла» хиссадорлик жамияти раҳбарлари боқимандалик кайфиятидан қутила олмаганликлари маълум бўлди. Муаммолар кўпайди. Охир-оқибат жамият ишчи-ҳодимлардан катта миқдорда қарздор бўлиб қолган. Масала тегишли идоралар томонидан ўрганила бошлаганидан сўнг, мутасаддилар ҳаракатга тушишди...

Иш берувчи кўл остидаги кишиларга қулай шарт-шароит яратиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, меъёрли ҳужжатлар шартларини бекаму кўст бажаришга даъват этилгандир.

Моддий манфаатдорлик таъминланган жойда

Иқтисодий ислохотларнинг изчиллик билан амалга оширилаётганлиги меҳнат аҳлининг манфаатдорлигини яхшилаб, жамоаларда моддий рағбатлантиришни кучайтириш имконини бермоқда.

Воҳанинг кенг ва бепоян далаларида галладан мўл ҳосил етиштирилди. Денгиздай тўлқинланаётган олтин тўли галлазорларга комбайнлар олиб чиқилди. «Ишон» кооператив ширкат хўжалигининг экин майдонларида ўрим-йғим қизгин тус олган. Хўжаликнинг Аҳмад Аҳмедов, Шароф Умаров, Олимбек Нишонбеков бошлиқ ижарачилар даладорлар ҳар гектар майдондан 45-50 центнердан хирмон кўтарилапти.

Комбайнчилар ва ўрим-йғим иштирокчиларининг моддий манфаатдорлигига жиддий аҳамият берилмоқда. Касаба уюшма кўмитаси раиси Эгамберди Нуралиевнинг ҳикоя қилишича, жорий йилда 3 минг тоннадан ортиқ ҳосил етиштирилиши режалаштирилган. Ўримда пешқадамликни эгаллаган комбайнчиларга ҳар 5 кунда мукофот пуллари бериб борилапти.

Бу йил 60 минг гектар лалмикор, 140 минг гектар сугорилмаган майдонларда галла устирган воҳа деҳқонлари 344 минг тоннага яқин дон тайёрлашни режалаштирилган. Вазирилар Маҳкамасининг «2002 йилда бошқоқ дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир таъминоти чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ўрим-йғим уюшқоқлик билан олиб борилапти. Мавсумда 556 та комбайн тўла қувват билан ишлайди. Кунда 2800-3000 гектар майдондаги дон ўриб-янчиб олинади.

Бошқоқ дон экинлари ҳосилини вақтида ва сифатли йиғиштириб олишнинг ҳамда давлат ресурслари учун дон сотиш бўйича контракция шартномалари бажарилишини таъминлаш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. — дейди биз билан суҳбатда вилоят агроноат маҳму-

ҲАММА БИРДЕК ЖОН КУЙДИРСА

киши иш билан таъминланди.

«Қашқадарёдон маҳсулот» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик уюшмаси корхоналари билан жамоа ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликлари ўртасида 332800 тонналик режа бўйича контракция шартномалари тўзилган ва галлакорларга олдиндан бўнақ пуллари тарқатилди.

Нишондаги 15 та дон қабул қилиш корхоналари ва 10 та мавсумий шохобчалар тўла қувват билан ишламоқда. Элеватор ва омборлар, лабораториялар, тош-тарози хўжалиги таъмирланиб, стандартлаштириш метеорология ва сертификатлаш марказидан текширувдан ўтказилди. 223 та кўчма транспортёр, 64 та автотўзургич ва 36 та дон тозалаш машиналари доимий ҳаракатда. Тайёрловчилар учун қулай иш шароитлари яратилган.

Уюшма бошқаруви раиси Н.Рашидовнинг таъкидлашича, акциядорларга 18 миллион сўмлик дивидентлар тарқатилди. Ҳар бир акцияга 2200 сўмдан дивидент олинди. Корхона йили 791 миллион 911 минг сўм фойда билан аяқланди. «Қаршидон», «Қаршинон», «Нур», «Шахрисабздон» акциядорлик жамиятларида олинган фойданинг кўп қисми меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш учун сарфланади.

Мамакатимиз галласининг асосий қисмини етиштириб берадиган Қашқадарё далаларида комбайнчилар наъраси янграмоқда. Бўлиқ галлазорлар олтиндек товланиб, денгиз мисол шовуллади. Энг муҳими, ўрим-йғим қатнашчиларига ҳар томонлама яхши шароит яратилиб, моддий манфаатдорлиги таъминланяпти.

Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Жойларда тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва уни рўйхатга олиш китобини юртини айна мундоқ бўлди.

Бу борада махсус низоми ишлаб чиқилган бўлиб, унда хўжалик юритувчи субъектларни назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишлар турлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу китобда батафсил белгилаб берилган.

Хозирги кунда Жиззах вилоятида текширишларни рўйхатга олиш китоби билан 10734 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари, яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи шахслар таъминланган.

Шу жумладан, 2001 йилда вилоят адлия бошқармаси томонидан 4000 донга (янги таҳрирдаги) «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» тадбиркорлик субъектларига тарқатилиб, рўйхатга олинди.

Урганишлар шунини кўрсатмоқдаки, кўпчилик ҳолларда хўжалик юритувчи субъектларда текширишларни рўйхатга олиш китобини юртини ва тўлдириш қоидалари қўпол равишда бузилганлиги аниқланди.

Назорат органлари ходимлари томонидан гувоҳнома рақами, идора номи, текширишларнинг тури, уни ўтказиш мuddати каби маълумотлар ёзилмасдан келмоқда.

Масалан, Галлаорол туман Давлат солиқ инспекцияси ходими У.Мўминов 2002 йил 20 мартда тумандаги «Умид» хусусий корхонасида қисқа мuddатли текшириш ўтказиб, текширишларни рўйхатга олиш китобининг 3-устуни-

Тадбиркор қонун ҳимоясида

да фақат фамилиясини кўрсатиб, гувоҳнома рақамини 4-устунга ёзиб, 5-устунни эса тўлдирмаган. Ваҳоланки, Низоми талабига қўра текширувнинг фамилиясини ва гувоҳнома рақами китобининг 3-устунида кўрсатилиб, 5-устунида савдо» хиссадорлик жамиятида қисқа мuddатли текшириш ўтказиб, китобнинг 2,4,5-устунларини Низоми талаби асосида тўлдирмадан текширувнинг ваколатига кирмайдиган 9-11 устунларини тўлдирганлар.

Шунингдек, Жиззах вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси ходими М.Иномов, Галлаорол туман ИИБ ЕХБ бошлиғи Х.Эшмухамедов, катта инспектор Ш.Раҳимовлар ҳам шу корхонада текшириш ўтказганда ана шундай қонунбузарликка йўл қўйишган.

Қонун бузилиши ҳолатлари Ташки Иқтисодий Фаолият миллий банкининг Жиззах

Текширувларни рўйхатга олиш китоби тартиб-қоидалари

да текшириш учун асос кўрсатилиши лозим эди. Галлаорол туман санитария-эпидемиология назорати маркази ходими М.Хайдаров томонидан ушбу дорихонада қисқа мuddатли текшириш давомида ҳам худди шундай камчиликка йўл қўйилган.

«Ўздавэнегронзорат» Давлат агентлигининг Жиззах вилоят бўлими ходимлари Б.Турсунбоев, Д.Нурматовлар Галлаорол туман «Матлубот-


Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

вилоят бўлими ходими С.Маматқулова, «Қафолат» аудитори фирмаси аудитори М.Ибрагимов, Табиати муҳофаза қилиш кўмитаси ходимлари Б.Умаров, С.Ҳасанов, А.Нишонов, «Мадад» аудиторилик фирмаси аудитори Х.Саидбековлар томонидан ҳам текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдирди ҳақида камчиликлар қайд қилинган.

Текшириш натижаларини акс эттирувчи ҳужжатнинг бир нусхаси текшириш тугагандан кейин ўн кун мuddат ичида текширилувчига топширилиши лозим. Лекин жойларда қонуннинг бу талаби ҳам амалда бажарилмаяпти.

Бу каби қонун бузилиш ҳолатларини бартараф қилиш мақсадида адлия бошқармаси томонидан назорат органларига тақдиминомалар киритилди.

Абдурашид АБДУРАИМОВ, Жиззах вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи.



лардан бири. Ташаббускор, изланувчан, тadbиркор, ўз касбининг ҳақиқий жонкуяри саналган бу инсоннинг иш тажрибаси нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам маълум. У айни дамда Хитой Халқ Республикасидаги Сиян тиббиёт дорилфунунининг фахрий профессори ҳамдир.

Бахтиёр ёшлиқдан шу

билдириб, ўзи иш бошлаган саломатлик марказига бош шифокор этиб тайинланди. Бу ишонч-этибор Бахтиёрни янада самарали меҳнат қилишга, ўз устади ишлашга ундади. Стоматология соҳасида қандай янгилик ёки замонавий ускуна яратилса, уни ўз поликлиникасига келтириб, кундалик иш жараёнига татиқ эта бошлади. Замона-

ча махсус курсни ўтаб қайтиб ва республикамизда биринчилардан бўлиб, стоматологик имплантация соҳасига илмий-амалий ютуқлари ва ихтиролари билан ўзининг муносиб хиссасини қўшди. Унинг стоматология соҳасидаги 56 та янгилиги, 7 та ихти-

Орамиздаги одамлар

лардан тиш протезларини мустаҳкамлашда фойдаланиш», «Тиш доволашда имплантат қўллаш усуллари», «Имплантат ўрнатилганидан сўнг оғиз бўшлигини парваришlash» каби рисоалари шулар жумласидандир.

У 1992 йилда Хитой Халқ

клиникаси қошида тиш техниклари курсини ташкил қилди. 1993 йил Бахтиёр учун янада омадли келди. У Қозон давлат дорилфунунинда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Ушанда Австриядаги «Комега» фирмаси Бахтиёр Мансуровга имплантология соҳасида ўзлари билан ҳамкорлик қилиши таклиф қилинди. 1997 йилда эса Миср Араб Республикасида тиш жарроҳлиги соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида махсус таклифнома олди. 1998 йилда эса шифокор Хитой Халқ Республикаси Шанхай шаҳрига стоматологлар конгрессида таклиф қилинди.

Айни кунда Бахтиёр Мансуров Харьков шаҳри стоматологлари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Ўз касбининг фидойиси Бахтиёр Мансуров истиқболда ўз соҳасида янги чўққиларни эгаллашига ишонамиз.

Муҳиддин МАМАДАЛИЕВ.

МАКТАБ ЯРАТГАН

ШИФОКОР

касбга меҳр қўйди. Тишлари тўқилиб азият чекаётган нурунийларга садафдек тишлар қўйиб, улар ҳаётига мазмун бағишлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ана шу эзгу ният уни Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳига бошлади. тиради, кишига кўтаринки кайфият бағишлайди.

Бу савобли ишда стоматолог-ортопедларнинг хизмати бекиёс. Тиббиёт фанлари номзоди, республикада хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, олий тоифали шифокор Бахтиёр Мансуров шу йўлда хизмат қилаётган шифокор-

вий доволаш усулларида кенг фойдаланди. У хорижлик ҳамкасбларининг иш тажрибаларини ҳам ўрганди. Шу мақсадда Москва, Волгоград, Қозон, Новокузнецк, Ашгабад, Франция, Болгария каби жойларда ўтказилган стоматологларнинг анжуманларида иштирок этиб, маърузалар қилди.

Бахтиёр Мансуров 1987 йилда Каунас тиббиёт олийгоҳида «Стоматология — имплантологияси» бўйи-

роси Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат патент идорасида рўйхатга олинди.

У амалий иш билан бир қаторда тинмай илмий изланиш ҳам олиб борди ва имплантация соҳаси бўйича видеofilm, бир неча рисоалар ва 6 та услубий қўлланмалар яратди. «Оғиз бўшлиги гигиенаси», «Имплантат асосида тиш протезlash», «Сорбент КАУ - стоматологияда қўлланиши», «Суяк ичига ўрнатилган имплантатот-

Республикасига таклиф этилиб, у ердаги дорилфунун клиникасида кўргазмали жарроҳлик ишларини муваффақиятли амалга оширганлиги учун Сиян дорилфунунининг фахрий профессори унвонига эга бўлди. Бахтиёр жарроҳлик амалиёти борасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб бориб, бир гуруҳ хитойлик стоматологларни Қўқонга таклиф қилди ва улар билан барча билим ва тажрибаларини ўртоқлашди.

Бахтиёр Мансуров тиббиёт соҳасидаги ислохот ва талабларни ўз вақтида ва тўғри англаб, Қўқон шаҳар стоматология поли-

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Хазорасп тумани пиллакорлари Хоразм вилоятида биринчи бўлиб пилла топшириш бўйича шартнома режасини бажарди. Кабул пунктларига 170 тоннадан ошиб юқори сифатли хомашё топширилди.

«Хоразм», «Шарқ юлдузи», «Хазорасп» ширкат хўжалиklarининг «кумуш тола» миришкорлари яхши ҳосил олди. Улар бу муваффақиятга ипак қуртини плёнка остида етиштиришга оид илғор технологияни қўллаш орқали эришди.

Бу галги мавсумда бундай технологиядан 670 та пудратчи звено фойдаланди, - дейди «Хазорасп пилла» очик турдаги акционерлик жамияти раиси А.Ёқубов. - Улар ҳар

кути қурт уруғидан ўртача 75-80 килограмдан пилла олди. Бу аънавий технология бўйича олинадиган ҳосилдан 15-20 килограмм кўпдир. Бугунги кунга келиб ўнлаб оилавий пиллачилик звенолари бундан ҳам кўпроқ ҳосил олишга эришмоқда.

Шунингдек, Боғот тумани пиллакорлари ҳам кабул пунктларига 200 тоннадан зиёд хомашё топшириб, шартнома режаларини бажарди.

Ш.АКРАМОВ олган суратлар.


ХАЛҚАРО АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИ САМАРҚАНДАДА

Бугун Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуида «Ислом ва дунёвий-маърифий давлат» мавзусида халқаро илмий-назарий анжуман очилади. Унда мамлакатимиздан ташқари Германия, Туркия, Эрон, Буюк Британия, Россия ва бошқа мамлакатлардан исломшунос олимлар иштирок этади.

Анжуман қатнашчилари дастлаб пойтахтимиз Тошкентда бўлиб, сўнгги йилларда барпо этилган замонавий иншоотлар, жумладан, Темирийлар тарихи давлат музейи билан танишди. Шунингдек, кўҳна Бухородаги ёдгорликлар ва қадамжоларни зиёрат этди. 4 июнь куни меҳмонлар Самарқанддаги қадимий меъморий ёдгорликлар, Улугбек расадхонаси, Имом ал-Мотуридий мақбараси ва бошқа обидалар билан танишди.

Меҳмонлар мамлакатимизда истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида тарихий ёдгорликлар, жумладан, исломий обидаларни таъмирлаш-тиклаш ва янги замонавий иншоотлар барпо этиш борасида амалга оширилган бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди.

(ЎЗА).



САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ИШОНЧЛИ МУНОСАБАТЛАР ЙЎЛИДА

Кеча Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида «Осиё минтақасида ўзаро муносабатлар ва ишонч йўлида» шиори остида катта анжуман бошланди. Унда жаҳондаги ўн олти мамлакат давлат бошлиқлари ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этмоқдалар. Шу жумладан, Россия президенти Владимир Путин, Покистон президенти Парвез Мушарраф, Хиндистон бош вазири Атал Бихари Ваджапай, Афғонистон ўтиш ҳукумати раиси Ҳамид Карзай бу ерга ташир буюрдилар. Анжуманнинг асосий масалаларидан бири Покистон билан Хиндистон ўртасидаги қалтис вазиятни ижобий изга солишдир.

ОҚ КАБУТАРЛАР ПАРВОЗ ҚИЛАВЕРСИН

Нью-Йорк шаҳрида ўтган йил 11 сентябрида террорчилик ҳуружи оқибатида вайрон этилган Халқаро савдо маркази қолдиқларини тозалаш ишлари тугатилди. Ишчилар энг сўнгги тўққиз метрлик, 58 тонналик остунини таъмирлаб, унга миллий байроқ қададилар. Шунингдек, унга фожеада ҳалок бўлганларнинг сурьатлари ёпиштириб қўйилди. То-

залаш тadbирлари муддатидан уч ой илгари ниҳоясига етказилди. Бу ишларга 750 миллион доллар сармоя сарфланди. Дунёдан бевақт кўз юмган қурбонларнинг яқинлари рамзий тўққизта оқ кабутарни самога учирдилар. Бу сый-ҳаракат йиғилганлар наздида абадий тинчлик маъносини англади.

ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНМАДИ

Яқинда Жазоирда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Ушбу умумхалқ овоз бериш тadbiri мамлакат тарихида учинчи марта амалга оширилди. Унда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган 18 миллион одам қатнашди. Парламентда кўпроқ жой эгаллаш учун тўртта партия кураш олиб борди. Ҳозирча сайловларнинг якуний натижалари эълон қилинганча йўқ. Бироқ кузатувчилар социалистик партия қолганларга қараганда кўпроқ овоз олса керак, деб тахмин қилмоқдалар.

САФДА — АЁЛЛАР

Айни кунларда Чеченistonнинг Арғун дараси минтақасига ташриф буюрган киши ўзгача бир манзарани кузатиши мумкин. Бу ердаги ҳарбийларнинг аксарият қисмини аёллар ташкил этади. Ҳар қандай мушкул шароитда

БИР ЁҚДА ЁНҒИН, БИР ЁҚДА ҚЎШИҚ

Буюк Британия қироличаси Елизавета — Пнинг тахтга ўтир-ганлиги 50 йил тўлиши тантаналари давом этмоқда. Бир неча кун муқаддам Букенгем саройида навбатдаги базми-жамшидга ҳозирлик кўриляётганда дафъатан ёнғин чиқди. Бу пайтда қиролича ва унинг оила аъзолари Лондон ташқарисидаги қароргоҳларида дам олаётган эдилар. Ёнғин бир соат давомида ўчирилди. Лекин анча зарар етказди. Шунга қарамаздан, ўша кунги режалаштирилган концерт дастурига тайёргарлик давом этаверди. Қиролича санъат юлдузларининг чиқишларидан гоёт мамнун эканлигини билдирди.

КОМПЬЮТЕР ЯНГЛИШГАНДА

АҚШнинг Индиана штатида истиқомат қилувчи Анни Ламбердинг хоним ўзининг ёшлиқда ўсган ерлари — Янги Гвинейни кўриб келиш ҳавасида маҳаллий банкка пул қўйди. Лекин, бироз вақтдан сўнг банкка бориб, ҳангманг бўлиб қолди. Унинг 5000 доллари 450 мингга айланиб қолди. Маълум бўлишича, бу хато компьютерга тегишли экан. Лекин мижоз ўз сўзидан қайтмади, барча пуллар ўзимга тегишли, деб туриб олди. Банк ўз хатосига ўзи жавоб бериши керак, деб ёзди «Чикаго-Сан» газетаси.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!

Республикаимизнинг энг йирик ва нуфузли банкларидан бири **АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»**

2002 йил 1 июндан эътиборан 6 ой ва 1 йил муддатга қабул қилиниб, омонат миқдори ҳамда муддатига мутаносиб равишда йиллик 42 фоиздан 46 фоизгача даромад тўланадиган янги, манфаатли ва қулай бўлган **«ОНА ЗАМИН САХОВАТИ»** жамғарма омонат турини таклиф этади.

Сиз ушбу омонатга бўш пул маблағларингизни «Пахта Банк»нинг исталган бўлимида қўйишингиз ва омонат шартларига кўра фоизли даромадингизни ҳар ойда олиб боришингиз мумкин.

«Пахта Банк» Сизларга соғлиқ, куш кайфият ва оилавий бахт тилайди!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Ер юзида барча экологик муаммолар каторида сув ифлосланишининг олдини олиш энг долзарб масалага айланган. Шу боним ҳам сув экологияси табиятни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ташкилотлар диққат марказида турибди. Зеро, сув инсониятнинг ризк-рўзи, ҳаёт манбаи. Усиз тирикликни тасаввур қилиш асло мумкин эмас.

Муштарий мулоҳазаси

Тошкент шаҳри ва вилояти тоза ичимлик суви билан таъминлайдиган мазкур йирик сув ҳавзасига ахлат, озик-овкат

нишига йўл қўйишмаган, фарзандларини ҳам худди ана шу аъна руҳида тарбиялашган. Баъзан кўчаларда, турар-жой биноларида водопровод жўмрақларидан ичимлик суви беҳуда оқибди қўйилганининг гувоҳи бўламиз. Шу ўринда қуйдаги далилни келтирсам: мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, истеъмол сув сарфи бир кишига кунига Лондонда 170 литр, Парижда 160, Тошкент шаҳрида эса 365 литрга тўғри келаркан. Фикримча, бу каби ачинарли ҳолатларнинг бош сабаби лоқайдлигимиздир. Қачонки, бу иллатдан қутула оласак, бебаҳо неъмат ҳисобланган сувга муносабатимиз ўзгаради.

Элмира УРАЗБОЕВА, талаба.

ТОМЧИСИ КЎЗГА ТЎТИЁ

Мен экологик мухити оғир Оролбўйи худудида туғилиб ўсганман. Бу ерликлар оби ҳаётга нисбатан юксак даражада муносабатда бўладилар. Пойтахтдаги олий ўқув юртида ўқий бошлагач эса ўзгача манзарага дуч келдим. Ариғу анҳорларда зилол сувоқиб ётибди, тоза ичимлик сувиға зориқиш йўқ. Шунданми, кишиларнинг сувга сал бепарқ муносабати ҳам эътиборимни тортиди.

Яқинда ўртоқларим билан Бўстонликнинг гўзал табияти кўйини сайрга чиқдик. Кўпчиликнинг севимли масканига айланган Чорвоқ сув омбори атрофи дам олувчилар билан гажум. Барча-барчанинг кайфияти аъло! Фақат кўнглини хижил қиладиган томони — кишиларнинг санитария қоидаларига риоя қилмаётганликлари, она табиятга нисбатан шафқатсизларча муомалада бўлаётганликларидир. Натихада

қолдиқлари ташланиб, унинг ифлосланиш даражаси ортиб бормоқда. Ахир, бу ўз насибасини ўзи хор этиш дегани эмасми?! Бизга инъом этилган бебаҳо неъматни, умуман, она табиятнинг бор гўзалликларини эртанги авлодга бутун борлиғича етказиш буғуннинг кишилари вазифаси эканлигини қачон англаб етамиз?!
Азалдан ота-боболаримиз сувни азиз билиб, унинг ўринсиз исроф қили-



«СИЗГА ТИНЧЛИК ТИЛАЙМАН»

Хар бир кунимиз саломдан бошланади. Зеро, саломлашиш ўз тарихига эга. Гап шундаки, учрашган одамлар, аввало, бир-бирларига тинчлик ва соғлиқ тилашади. Бу одат қачон пайдо бўлгани номаълум. Лекин ниҳоятда олис замонларда вуҷудга келгани аниқ.

Бир-бирига яхшилик тилай бошлаган пайтдагина инсон инсон эканлигини англаб етгандир, балки! Аммо саломга алик олмаслик ўша йироқ даврларда ҳам ўта тарбиясизлик белгиси ҳисобланган.

Дунёдаги турли халқларда саломлашиш одати ҳам хилма-хил. Масалан, қадимги Хитой ва Мўғулистонда одамлар «Молингиз омонми?» деб саломлашарди. Бунинг ажабланидиган жойи йўқ, чорвадор халқнинг ҳаёти подасининг аҳолига боғлиқ эди-да.

Шунингдек, имо-ишора билан саломлашиш одати бор. Масалан, қўл олишидан ташқари, таъзим қилиш, қўл силкиш, шляпани кўтариб қўйиш ва ҳоказо.

Ўрта Осиёда эса бу ўнғ қўлни юрак устига қўйиб саломлашишга тўғри келади. Умуман, сўз сингари ишора билан саломлашиш ҳам гоят хилма-хил. Мисол учун, Оврүпада авваллари пошналарни бир-бирига уриш билан саломлашишган. Ҳиндлар эса иккала қўл кафтини бирлаштириб таъзим қилишади.

Бизда «Ассалому алайкум!» деб саломлашиш одат. Бу арабчада «Сизга тинчлик тилайман» деган маънони англатади. Оврүпа таъсирида қўл бериб сўрашиш расм бўлди. Аммо қўлни юрак устига қўйиб саломлашиш, аёллар елка қоқиб сўрашиши ҳам сақланиб қолган. Узоқ вақт кўришмаган яқин кишилар кучоқ очиб саломлашишади.

Зотан, саломлашув қайси тилда янграмасин, қандай шаклда кўринмасин, аввало, инсонга ҳурматни билдириши керак.

КАФЕДРА ТУҲФАСИ

Меъморчилик-қурилиш мутахассислиги бўйича тайёрланаётган кадрлар учун ўқув адабиётларини яратиш борасида дастлабки тажриба орттирилди. Бу муҳим маърифий жараёнда Тошкент архитектура-қурилиш институти олимлари фаоллик кўрсатишмоқда.

Олий ўқув юртининг етакчи олимлари касбунар коллеждари учун ҳам дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишга бел боғладилар. 2002-2003 ўқув йилида коллеждар ўқув режалари бўйича 20 дан ортик фандан ўқув адабиётлари ёзилди.

Институтнинг «Муҳандислик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш» кафедраси йўли билан 15 та дарслик ёзилиб, босмага берилди. «Қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш» кафедрасида тайёрланган ўқув қўлланма эса босмадан чиқди.

А.АЛИЕВ.

ЦИРКДА БОЛАЛАР БАЙРАМИ

Ўзбекистон Давлат циркида Тошкент шаҳридаги боқувчисини йўқотган болалар учун хайрия тадбири ўтказилди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишлаб ўтказилаётган ушбу тадбирга меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари, боқувчисини йўқотиб, қариндош-уруғлари қарамоғида қолган болалар тақриф этилди, - деди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг раиси Ойниса Мусурмонова «Туркистон-пресс» мухбирига. Шундай тадбирлар нафақат пойтахтда, балки жамғармаизнинг минтақавий бўлимлари томонидан мамлакатимизнинг барча вилоятларида ташкил этилди.

Яқинда Узун туманидаги Жўрақул Эшмирозев номли ширкат хўжалигида бўлганимизда ечимини топмай ётган муаммо ва камчиликлар анчагина эканлигининг гувоҳи бўлдик. Фақат «Ҳа, энди, иш бор бўлади хато ҳам бўлади-да», дея эътирозга шошилманг. Бу ерда гап кўпроқ тўхтаб қолган иш ҳақида кетади.

Айнан шу хўжаликка қадам ранжида қилганимиз ҳам бежиз эмас. Аҳоли анча зич яшайди бу ерда. Шунга яраша оила, хонадон, бола-чақа дегандек, оз-оздан бўлса-да, бир жойга жамланса, анча-мунча муаммо кўз ўнгинида намоён бўлади. Учта маҳалла, учта мактаб бор. Ким билан бақамти бўлманг, ўзини ўйлантираётган масалага эътиборингизни буради.

Хонадонларимизнинг ярмисига табиий газ ўтказилган бўлиб, унинг ҳам босими пастигидан ҳатто чой қайнатишга қийналамиз, - дейди «Тожиқобод» маҳалла оқсоқоли Шуқурилла Аҳмедов. Чироққа ҳам ёлчисак кошки эди, - қўшимча қилади маҳалла нуронийлар кенгаши раиси Абдурахим Каримов. -

Туя гўшти еган ФИШТИН БИНО

Бир кунда бор-йўғи 3-4 соат ёнади. Тез-тез чироқ ўчиши оқибатида артезиан насослар ишдан чиқиб, ичимлик суви ҳам муаммо

бий таъсир кўрсатиб, беҳуда асаббузарликка сабаб бўлмоқда. Афсуски, бундай ҳолни «Истиқлол» ва «Хатиб қахрамон» маҳаллала-



рида ҳам кузатиш мумкин. — Маҳалламизда бир вақтлар янги мактаб қурилиши бошланган эди, - дейди Қурвонбиби ая кую-

«ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...»

Вафо аҳлига даврондин етар жавру жафо асру, Жафосидин анинг озурдадур аҳли вафо асру.

Буким, аҳли вафо ноёб эрурлар андин эркинким, Бу эски тоқ аларга ёғдурур гарди бало асру.

Фалак дарди иложи чиқмай андин кимса топмайдуру, Магар ноёб эрур ул ҳуққа ичра бу даво асру.

Гаронжонлиғни қўй, жон бер, тилар бўлсанг дури мақсуд Ки, оламда оғирдур ушбу жавҳарга баҳо асру.

Фидо жонимни айлаб, олам аҳлидин тамаъ қилдим — Вафо, астағфируллох, қилган эрмишмен хато асру.

Ризо аҳлин сиёсат тигидин қўрқутмағил, эй шах Ки, қатлингдин сенинг қўрқарга ўлмайдуру гадо асру.

Табият чоҳидин руҳунгни қўтқарким, хуш эрмастур Қафас қайди аро булбулга бўлмоқ мубтало асру.

Чу кавсар жоми зикри қилмади рафъ ўзлугум қайдин, Бу ранжимга ҳамоно нафъ етар жоми фано асру.

Ҳавойи гулшани қудс эт, Навойиким, хуш эрмастур Зағанлар бирла бу гулшанда бўлмоқ бенаво асру.

Вафо аҳлининг қисмати жафо эканлиги ҳақидаги қарашлар Алишер Навойи газалиетида етакчи ўрин тутди. Вафо аҳли бу — ўзини англаган солиҳ инсон тимсоли. Бу тоифага қалби маърифат зиёси-ю, эзгулик ёғдусига ошно зотлар қиради. Уларнинг бошига қисмат ҳамisha бало тошини ёғдиради, замон уларга боқмайди, одамлар уларни тушунмайдилар ва таъна-маломат қиладилар: **Вафо аҳлига даврондин етар жавру жафо асру, Жафосидин анинг озурдадур аҳли вафо асру.** Бу даврон кўпроқ вафо аҳлининг қалбини яралиди, чунки улар ҳаётнинг мазмун-моҳиятини тегин англайдилар ва шу сабабли кўпроқ қийналадилар, ҳар нарсани кўнгилига яқин оладилар. Вафо аҳлининг сардафари эканлиги жиҳатидан жафо аҳлининг зулму бедодига ҳаммадан кўп дучор бўлганлиги учун ҳам Навойининг дарду аламлари чегара билмайди, бу тоифани танқид қилиш шоир ижодининг асосий мотивини ташкил этади. **Буким, аҳли вафо ноёб эрурлар андин эркинким, Бу эски тоқ аларга ёғдурур гарди бало асру.** Ҳадисларда айтилишича, Аллоҳ таоло балонинг энг қаттасини аввал ўз пайғамбарларига юборади, кейин валийларга, ундан сўнг навбати билан. Шунга ишора қилиб, шоир ёзадики, бу кўхна фалак вафо аҳлининг бошига кўп дарду бало ёғдиради, улар бу дарду бало остида эзилди, баъзан йўқолиб кетадилар. Шунинг учун бу тоифа жуда ноёб ҳисобланади. **Фалак дарди иложи чиқмай андин кимса топмайдуру, Магар ноёб эрур ул ҳуққа ичра бу даво асру.** Бу байтнинг мухтасар мазмуни шундай: «Дунёни қайта бошдан мақсадга мувофиқ қилиб қурмагунча бу дардининг давосини толиб бўлмайди. Чунки вафо аҳлининг қалбини пора-пора қилган нарсани айнан фалак гардишининг инсон орзу-истакларига қарама-қарши айланишидир».

Гаронжонлиғни қўй, жон бер, тилар бўлсанг дури мақсуд Ки, оламда оғирдур ушбу жавҳарга баҳо асру.

Мазкур байт тасаввуфий мазмунда бўлиб, асл мақсадни, яъни Аллоҳ ризоси, илоҳий маҳбуба висолига етишни истасанг, унинг бу дунёдаги баҳоси улкан — унга фақат жон эвазига харидор бўлиш мумкин. Чунки илоҳий маҳбуба васлига ошиқнинг жисми эмас, балки унинг камолотга эришган руҳи восил бўлади. **Фидо жонимни айлаб, олам аҳлидин тамаъ қилдим Вафо, астағфируллох, қилган эрмишмен хато асру.** Бу байтда шоир кучли алам ва ўткир киноя билан: «Жонимни фидо қилиб, олам аҳлидан вафо талаб этибман. Астағфируллох, хато қилибман: нима, олам аҳлида вафо йўқлигини билмас эдимми?!» - дейди. «Бу дунё шунақанги телба-тескари яратилганки, - деб ёзади Навойи «Маҳбуб ул-қулуб» асарига да бу борадаги фикрларини давом эттириб, - ҳар бир яхшилик ўз ортидан камиди ўнта ёмонлиқни бошлаб келади, ҳар вафо юз жафога сабаб бўлади, дуо қилган қарғиш олади» ва ҳоказо.

Табият чоҳидин руҳунгни қўтқарким, хуш эрмастур Қафас қайди аро булбулга бўлмоқ мубтало асру. «Рухунгни жисм зиндонидан қўтқарким, булбулнинг узоқ вақт қафасга банди бўлиши яхши эмас». Бу ерда инсон жисми — зиндонга, руҳи — булбул-

«ТИЛАР БЎЛСАНГ ДУРИ МАҚСУД...»

га ўхшатилапти. Булбулнинг макони боғу роғлар бўлгани каби руҳнинг ҳам асл макони аршу аъло — жаннат боғларидир. Бу мақомга сазовор бўлиш учун руҳ юксалиши ва жисм қафасидан озод бўлиши керак.

Чу кавсар жоми зикри қилмади рафъ ўзлугум қайдин, Бу ранжимга ҳамоно нафъ етар жоми фано асру.

Кавсар — жаннатдаги булоқ. Ўзлик — инсоннинг нафс ва дунё билан боғлиқлиги. Фано — тарикатнинг ниҳояси, натижаси. Ўзлигидан қутулиб, руҳини юксалтирган, бутун фикру зикрини ёлғиз Аллоҳга қаратган кишилар ана шундай юксак мақомга кўтариладилар.

Шарқ фалсафаси ва адабиётининг билимдонларидан Наҳмиддин Комиловнинг ёзишича: «...тарикат ва ҳақиқат ботиний поклишининг зарурий ахтиёжи, шариат даражаси қониқтирмайдиган, жондан кечиб ишқ шаробини ичишга тайёр турган алоҳида шахсларнинг танлаган йўлидир. Бундай одамларнинг Ҳақ сари интилиши шу даражада кучлики, уни муайян чорқўбаларда сақлаш ва сиғдириш мумкин эмас».

Ҳавойи гулшани қудс эт, Навойиким, хуш эрмастур Зағанлар бирла бу гулшанда бўлмоқ бенаво асру.

Бу байт шоирнинг: «Дунё — зоғу зағанлар маскани, агарки сен — булбул бўлсанг, ундан учиб чиқ», - мазмунидаги қуйдаги мисраларига ҳам-оҳанг:

Эй Навойи, даҳр боғидин қутулмоқ истаким, Булбул учқан яхшироқ зоғу заған маъвосидин.

Эргаш ОЧИЛОВ, филология фанлари номзоди.

«Ишонч» фош этади

рида ҳам кузатиш мумкин. — Маҳалламизда бир вақтлар янги мактаб қурилиши бошланган эди, - дейди Қурвонбиби ая кую-

маблаг, шунча меҳнат! Аянинг куюганича бор. Маҳалладаги 17-ўрта мактаб муаллимлари эски бинода уч сменада таълим беришга мажбур бўлса-ю, битай деб қолган янги бинони ниҳосига етказиш ҳеч кимнинг парвосига келмаса, ёмон-да! Шароит мутлақо йўқ. Бу кетишда, балки келгуси ўқув йилида ўқувчиларни тўрт сменада ўқитишга тўғри келар? Очиғи, ота-оналарда шундай хавотир ҳам йўқ эмас.

Бизни яна бир нарсаси ёқа ушлашга мажбур этди. Хўжаликда «Турон» деб аталмиш футбол жамоаси тузилган экану, буни қарангки, футбол майдони йўқ экан. Биз ушбу муаммолар юзасидан туман раҳбарлари билан мулоқотда бўлдик. Бироқ улардан турли «узрли» баҳоналарни эшитдик, холос...

Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбири.

Суратда: 17-ўрта мактабнинг ташландиқ ҳолда ётган биноси.

МАЙДОНДА — МАЙДОН ЭГАЛАРИ



ранга эришдилар. Ҳисоб — 2:2. Бу Осиё қитъаси вакиллари қўлга киритган илк очко эканлигига эътиборингизни қаратишни истардик. Пусан шаҳрида Жанубий Қурия ва Польша ўртасидаги баҳс 2:0 ҳисобида якунланди.

Осиё қитъасининг яна бир вакили — Хитой термаси, афсуски, Коста-Рика футболчиларига айтарли қаршиллик кўрсата олмадилар. Ҳисоб — 0:2. Шундай қилиб, қитъадошларимиз кеча учта ўйин ўтказиб, уч хил натижага эришдилар: бир дуранг, бир галаба ва бир мағлубият.

ХОТИРА ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

Аввал хабар берганимиздек, Жиззах шаҳридаги олимпия захиралари коллежида бокс бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Сидней Жаксон хотирасига бағишланган аънавий халқаро турнир бўлиб ўтди.

Бир ҳафта давом этган мусобақанинг финал баҳсида 12 жуфт боксчи рингга чиқди. Турнирда умумжамоа ҳисобида ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари ўзларининг юқори маҳорат эгаси эканини намоён қилди.

48 килограмм вазн тоифасидаги жангларда малайзиялик Замзай Азизбин Мухаммад голибликни қўлга киритди, бошқа барча вазн тоифаларидида жангларда ўзбекистонлик боксчилар шохсупанинг юқори поғонасини эгаллашди. Мамлакатимиз боксчиларининг галабасида Жиззах, Андижон, Самарқанд, Фарғона бокс мактабларининг вакиллари қўшган ҳисса катта бўлди.

(ЎЗА).

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.15

Махсус рақам: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланади. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сопувда эркин нархда.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.